Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Кутубхонаси Тадқиқотлар институти

2006 ЙИЛ, 23 МАРТ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 56 (10.613) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●БУГУН пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти совриви учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг якуний босқичи очилади. ЭРТАГА «Туркистон» саройида «Ташаббус-2006»нинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлади.

●Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда унинг Фарғона вилояти бош бошқармаси биргаликда ўтказган семинар-кенгаш банклар ва тадбиркорлар ҳамкорлиги масаласига бағишланди. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб олдилар.

●Пойтахтимизнинг қоқ марказида — «Мовий гумбазлар» ёнида Россия боғига асос солинди. Ушбу боғ жаҳондаги турли мамлакатларнинг ўсимликларини ўзида мужассамлаштирувчи «Дунё боғлари» туркумини бошлаб берди.

●Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Экология ва саломатлик кунлари доирасида 22 март—Жаҳон сув кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда аҳолининг ичимлик сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш жуда муҳимлиги ҳақида ҳам гапирилди.

●Самарқандда «Биз — фаровон келажак бунёдкорларимиз» мавзусидаги мегатанловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танлов вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, вилоят прокуратураси ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши ташаббуси билан ўтказилди.

●23-25 май кунлари пойтахтимиздаги «Экспомарказ»да Эрон Ислом Республикасининг учинчи ихтисослашган савдо-саноат кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтади. Унда Эроннинг юздан ортиқ компаниясида ишлаб чиқарилаётган автомобиль эҳтиёт қисмлари, қурилиш материаллари, тиббий ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бирламчи зарурий воситалар намойиш этилади.

●Республика музейлари директорларининг Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган семинар кенгашида музейлар фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш соҳасидаги вазифалар белгилаб олинди.

● «LG-Elektronics» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши ғояси» танловининг эълон қилинган бу йилги режаларига кўра 11 ёшгача бўлган болалар, 17 ёшгача бўлган ўсмир ва талабалар ўз лойиҳалари билан иштирок этишлари мумкин.

● Яқинда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали шифокорлари қандли диабетни лазер ёрдамида даволаш усулини ишлаб чиқишди.

●Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида Франция элчихонасининг маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик хизмати ҳамда Франция маданият маркази томонидан театр конкурси ўтказилди.

●Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида таниқли мўйқалам соҳиби Ғайрат Бойматовнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда турли йўналишдаги етмишга яқин тасвирий санъат асарлари намойиш этилиб, томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

ЖАҲОНДА

● Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Хитойга олиб борувчи Шарқий Сибирь нефть қувури қурилиши яқин ойларда бошланишини эълон қилди. Россиянинг саноат ва энергетика вазири Виктор Христенко қувур қурилиши 2008 йилга келиб якунланишини таъкидлади.

●Япониянинг Фукуи префектурасидаги атом электр станциясида ёнғин содир бўлди. Ёнғин чиқиндиларни бартараф этувчи цехда бошланган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари зарарланган цехда жуда кам миқдорда радиактив моддалар борлигини айтган.

●Исроил озиқ-овқат тақчиллигининг олдини олиш учун Ғазо минтақасига киришдаги Карни назорат пунктини очди. Йил давомида ёпиқ бўлган ушбу пункт озгина муддатга очилиб, ўнга яқин озиқ-овқат ортилган машиналар минтақага кириб келди.

●Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Озарбойжонда «парранда гриппи»дан 5 нафар шахс вафот этганини тасдиқлади. Ташкилот мутахассислари томонидан ўтказилган текширувлар бу касалликка яна 2 нафар озарбойжонлик, яъни 15 ёшли қиз ва 10 ёшли бола чалинганини аниқлашди.

●Мисрда йўловчи ташийдиган теплоходнинг кўприкка урилиб кетиши оқибатида бир киши қурбон бўлди, 35 киши турли даражада жароҳатланди. Зарар кўрганлар орасида германиялик сайёҳлар ҳам бор.

●Туркиядаги узоқ қишлоқлардан бирида олимлар 5 та ғалати ака-сингилни топишди. Улар туғилганидан буён 4 оёқлаб эмаклаб юришар экан. 18 ёшдан 34 ёшгача бўлган ушбу оиладагиларнинг генларида аномалия мавжуд экан.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ – НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН МУСИҚИЙ ТАДБИР КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ.





БАҒРИКЕНГЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Республика байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган тадбирда кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Республика байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш тамойилларига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу интилиш ва саъй- ҳаракатлари негизида юртимизни янада обод этиш, кўпмиллатли жамиятимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш каби юксак мақсад- муддаолар мужассам.

Ҳозир мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳилликда яшаб, меҳнат қилмоқда. Истиқлол йилларида барча соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқлар, буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларида уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш учун барча шарт-шароит муҳайё.

Бағрикенглик, меҳр-оқибат айёми — Наврўзга юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари ўз мусиқий байрам дастурларини тайёрлагани эътиборга лойиқдир. Тадбирда бетакрор, ранг- баранг ва жозибадор ана шундай дастурлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

СУРАТЛАРДА: Республика байналмилал маданият марказидаги Наврўз тантаналаридан лавҳалар. Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар.

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 5-кутубхонасида уюштирилган давра суҳбати «Театр— ҳаётимиз кўзгуси» деб номланди.

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Астробод» маҳалла гузарида Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги Ёшлар спорт марказида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан Наврўз айёмига бағишлаб уюштирилган спорт мусобақаларида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўзаро беллашишди.

● **КЕЧА** Ҳамза маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Ёшлар ва шарқ маънавияти» деб номланди.

● **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасида Наврўз айёмига бағишлаб уюштирилган тантаналарда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент маданият, банк, политехника, тиббиёт, маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари, Глиэр номидаги Республика мусиқа академик лицейи талаба ва ўқувчилари иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўз айёми муносабати билан болажонлар иштирокида варрак учириш бўйича кўриктанлов ўтказилди.

● **УЧТЕПА** туманидаги 6-оилавий поликлиникада Наврўз айёми муносабати билан уюштирилган тадбирда фахрий шифокорларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 244-мактабда ўтган куни ўқувчилар иштирокида «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

● **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ»** меҳмонхонасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Проктор гембл» компанияси, республика Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорликларида таъсис этилган «Балоғат даври: соғломлаштириш» дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида Япониянинг замонавий намуналари кўргазмаси намойиш этилди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Тарих институти ҳамкорлигида тарихчи олимлар иштирокида уюштирилган анжуман «Аёл ва жамият» деб номланди.

● **ЮНУСОБОД** туманида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамда «Маҳалла умидлари» маркази ҳамкорликларида уюштирилган «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатик университетида уюштирилган Наврўз айёми тантаналарида талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 155-мактабда ўқувчилар иштирокида «Истеъдод гулғунчалари» кўрик-танлови уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** санитария-эпидемиология назорати марказида шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбирда ботулизм хасталиги ва унинг олдини олиш чоралари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Қарор ва ижро

СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЕНГИЛ САНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ТАЙЁР, РАҚОБАТГА БАРДОШЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАРМОҚЛАРИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, БУНДА ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯСИНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ, БИЗНЕС УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИШ БИЛАН БИРГА, СИФАТНИ БОШҚАРИШ ХАЛҚАРО ТИЗИМЛАРИНИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАЦИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЗАРУРЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ.

Дунёнинг ривожланган ва тараққий этаётган мамлакатлари тажрибаси халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида истеъмолчилар талабларини тўла қондиришда сифат ва рақобатбардошлик, сифат менежменти тизимлари нақадар муҳим ўрин тутишини тасдиқламоқда. Шу боис мамлакатимиз корхоналарида ҳам сифатни бошқариш тизимларини ҳаётга татбиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

Агентликнинг сифат тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи Зайниддин Аҳмедовнинг ЎзА мухбирига айтишича, ҳукуматимизнинг 2004 йил 22 июлда қабул қилинган «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори бу йўлда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда корхоналар ва тадбиркорларимиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш доирасида ISO 9001 стандарти талабларига жавоб берувчи ишлаб чиқариш бошқарувини жорий этишга киришдилар. Бунинг самараси ўлароқ, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги ортиб, экспорт имкониятлари янада кенгаймоқда. Қарорга мувофиқ, сифатни бошқариш тизимини, биринчи навбатда, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган ва халқаро хизмат кўрсатаётган икки юздан зиёд корхона ва ташкилотда жорий этиш мақсад қилиб қўйилган.

Шуниси эътиборлики, сифатни бошқариш тизимини жорий этган хўжалик субъектлари иқтисодий рағбатлантирилиб, қўшимча қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод этилмоқда. Шунингдек, маҳсулотларнинг синов ва текширув лабораториялари учун олиб келинган асбоб-ускуналар, қонунчиликда белгиланган тартибда сифат тизими бошқарувини жорий қилиш мақсадида киритилган сармоялар учун даромад солиғи камайтирилган.

Ҳозир республикамизнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари - корхона, банк, суғурта, алоқа каби 57 корхона ва ташкилотда халқаро стандарт ISO 9001 талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими сертификатлаштирилган. «Оҳангароншифер», «Қизилқумцемент», «Андижон кабел», «Шўртаннефтгаз», Навоий машинасозлик заводи, «BUZTON», «KANOB», «Marmaks» каби корхоналар шулар сирасига киради.

Шу билан бирга, сифат менежменти тизимини ўз вақтида жорий этишни таъминлай олмаётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Айниқса, «Ўзэлтехсаноат», «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг», «Ўзбек ипаги», «Ўзвиносаноатхолдинг» компаниялари таркибига кирувчи айрим корхоналарда мазкур вазифани бажариш пайсалга солинаётгани ачинарли ҳолдир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини экспорт қилиш ва сотиши осон кўчмайди. Бундан ташқари, маҳсулот ва хизмат сифатига нисбатан ички ва ташқи истеъмолчиларнинг талаби йил сайин ошиб бормоқда. Бугунги кун истеъмолчиси айниқса, хорижий истеъмолчилар, тавсия этилаётган маҳсулот ёки товар мамлакатимиздаги қонуний бошқарув шароитида, турли битим ва шартномаларга амал қилган ҳолда ишлаб чиқарилаётганлигини ҳамда барча муддатларда унинг турғун сифати кафолатланганлигига ишонч ҳосил қилишни истайди. Халқаро стандартлар, хусусан, 9000 серияли ISO стандартлари талабларига биноан сертификатлаштирилган корхоналар учун жаҳон бозорида ҳам самарали фаолият юритиш имкони мавжуд.

Одатда қатъий рақобат шароити мавжуд компания ва фирмалардагина истеъмолчи талаби асосий вазифалардан бирига айланади. Ишлаб чиқарувчилар маҳсулотнинг нархи (арзонлиги), сифати ва кафолатланганлиги билан боғлиқ истеъмолчилик талабларини қондириши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхона ва ташкилотларда сифат менежменти тизимини жорий этишда дунёда тан олинган халқаро стандартлар, биринчи навбатда, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ISO нинг роли катта бўлаётир. Шу ўринда ISO 9000:2000 стандартлар версияси ўзи нима, деган савол туғилиши мумкин. Бу стандартлар маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи катта ёки кичик турдаги корхона ва ташкилотлар учун жорий этилиб, сифатни бошқариш тизимларини таърифловчи ҳамда асос бўлувчи халқаро сифат стандартларидир.

Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилотнинг (ISO) маълумотига кўра, ҳозирги кунда жаҳонда 700 мингга яқин сифат менежменти тизими (СМТ) сертификатлаштирилган. ISO халқаро стандартлари корхона ва ташкилотларда сифатни бошқариш соҳасида сиёсат ўрнатилиши ва шу орқали барча жараёнларни мунтазам бошқариш имконини беради.

Турли лойиҳаларни инвестиция қилиш ёки товарларни йирик миқдорда етказиб бериш, тендерларда қатнашишда корхоналардан кўпинча сертификатлаштирилган сифат менежменти тизими талаб этилади. Шундай экан, сифат тизимини жорий этган корхона, ташкилот ҳамда хусусий тадбиркорлар нафақат мамлакат миқёсида ўз маҳсулотлари савдосини таъминлайди, балки жаҳон миқёсида ҳам манфаатли, эркин ва самарали фаолият юритиш имконига эга бўлади.

Акмал НАЗАРОВ, ЎзА шарҳловчиси

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 24 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди.

Ғарбдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4, кундузи 14-16 даража иссиқ бўлади.

Мусоҳаба

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

БУГУНГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ КЕЧАГИ КУНГИДАН ТУБДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ. АЙНИҚСА, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУ БОРАДА ЙИРИК МИҚЁСДАГИ ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИНИНГ "ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР, БИЗНЕС ВА ҲУҚУҚ" ИЛМИЙ МЕТОДИК БИРЛАШМАСИ РАИСИ, АКАДЕМИК САИДАҲРОР ҒУЛОМОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗДА СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАРНИ МАЗКУР ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲИ МИСОЛИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИК.

— Саидаҳрор Саидаҳмедович, аввало университетнинг педагогик жамоаси - профессор -ўқитувчилар таркиби, улардан иқтисодиёт йўналишида таҳсил олаётган талабалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз...

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети республикамиздаги йирик, таянч олий илм даргоҳи ҳисобланади. Бугунги кунда ТДИУ таркибида 8117 нафар талаба таҳсил олади. Шулардан 1098 нафарини магистрлар, 9619 нафар бакалавр (5593 нафар кундузги), (4046 нафарини сиртқи таълим) йўналишидаги талабалар ташкил этади.

Педагогик жамоамиздаги профессор-ўқитувчилар ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифани жуда чуқур ҳис этиб, талабаларга иқтисодиёт соҳасидаги энг муҳим янгиликларни, фан сирларини сидқидилдан ўргатишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг 43 нафари профессор илмий унвони, 115 нафари катта ўқитувчи илмий даражаларига эга. Бундан ташқари 137 нафар аспирантимиз иқтисодиёт назарияси, маркетинг, жаҳон иқтисодиёти, менежмент, макроиқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби сингари кўплаб соҳаларда номзодлик диссертациялари устида илмий изланишларни олиб бормоқда.

— Маълумки, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" мамлакатимиздаги таълим андозаларини янги босқичга кўтаришда ўзига хос вазифаларни белгилаб берган. Шу маънода иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида алоҳида эътибор олий таълим тизимида ўқув жараёнининг сифат даражасини оширишга қаратилганлиги маълум.

Университетимизда олий таълим сифатини ошириш мақсадида илғор педагогик услублар, ахборот технологиялари жорий этилди. Интернет тизими орқали хорижий мамлакатларда ҳимоя қилинган 30 мингдан ортиқ битирув малакавий ишлар, магистрлик, номзодлик, докторлик диссертациялари қиёсий ўрганилиб, ҳар бир кафедра профессор-ўқитувчилари фойдаланишлари учун китоб ҳолида нашр этилди.

Университетда талабаларга замонавий ахборот воситаларидан фойдаланишга қулайлик яратиш мақсадида виртуал кутубхонадан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Бу ердаги барча фанлар бўйича маъруза матнлари дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг электрон вариантлари жамланди.

Бундан ташқари янги 2005-2006 ўқув йилига иқтисодий таълимдаги инновацияларга асосида сифатли тайёргарлик кўришни таъминлаш ва жамоа олдидаги вазифаларни белгилаш ҳақидаги ректорат буйруғи ишлаб чиқилди. Бунга кўра университетнинг жорий йилги иқтисодий таълимдаги инновацияларга асосида сифатли тайёргарлик кўришни таъминлаш ва жамоа олдидаги вазифалар белгилаб берилган. Шунга асосланиб университетда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларига киритилган умумкасбий ҳамда ихтисослик фанлари бўйича белгиланган асосий ўқув адабиётларини босқичма-босқич лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тайёрлаш, нашр этиш режалари ишлаб чиқилди.

— Университетда ўқув жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари ва йўллари қандай йўлга қўйилган?

— Университетимизда илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таниқли олим Б.Фарберманни жалб этган ҳолда университетнинг барча профессор-ўқитувчилари учун илғор педагогик ва ахборот технологиялари бўйича ўқув семинарлари ташкил этилди. Доцент Л.Голиш бошчилигида илғор педагогик технологияларни яратиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилди ва улар ўқув режасидаги фанлар бўйича технологияларни яратиш устида амалий ишларни олиб бордилар. Уларнинг олиб борган изланишлари натижасида "Технология обучения в экономическом образовании" китоблар туркуми чоп этилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу туркумдаги китобларнинг 4 таси бизнинг таҳриримиз остида чоп этилди.



— Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашининг "Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ" илмий методик бирлашмаси раиси сифатида педагогик кадрлар малакасини оширишнинг асосий мезонлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз...

— Энг аввало шуни айтиш лозимки, кадрлар малакасини ошириш ҳаётий мажбурият бўлиб, у ҳамма даврларда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бугун ушбу жараёнларни ўзлаштириб бориш, уларни тингловчиларга етказиб бериш, ҳар бир профессор-ўқитувчининг бурчи дейиш мумкин. Қолаверса, тингловчилар ҳам бугун ўз билим кўникмаларини турли манбалар орқали бойитиб бормоқдалар, бу эса педагогларнинг ўз ишларига икки ҳисса масъулиятли бўлишлари зарурлигини келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги шароитда малака оширишга бир қанча талаблар қўйилмоқда. Энг аввало университет, институтларда ҳалол меҳнат қилиб, ўз устида ишлайдиган профессор-ўқитувчиларни кўпроқ малака ошириш курсларига жалб этиш: шу билан бир қаторда амалиётда фаолият олиб бораётган ходимларни ҳам жалб этиб, тингловчиларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлашга алоҳида эътибор қаратиш, дарс жараёнларининг очиқ суҳбат тарзида ташкил қилиш кераклигини даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Бизнингча, малака ошириш муассасаларида ўқув-услубий жараёнларни янада яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

Биринчидан, ўқув жараёнларига педагогик, ахборот технологияларини жорий этиш зарур. Иккинчидан, ўқув режаларига замонавий компьютер тизими ва ахборот технологияларини ўргатувчи янги хулосалар киритиш керак. Учинчидан хорижий тилларни ўргатиш кўламини, услубиятини кенгайтириш масалаларини кўриб чиқиш лозим. Албатта биз тавсия этаётган вариантлар ҳажман кенг бўлганлиги боис уларга бирма-бир тўхталиб ўтиш зарурати мавжуд эмас деб ўйлаймиз.

— Иқтисодий йўналишдаги ўқув дастурлари ва адабиётларнинг сифат даражасини яхшилаш долзарб вазифалардан бири эканлиги маълум. Бу борада сиз раҳбарлик қилаётган университетда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Биз яқинда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим илмий-услубий ва ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг "Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ" илмий методик бирлашмасининг кенгайтирилган семинар мажлисини ўтказдик.

Бугунги кунда иқтисодий таълимни ислоҳ қилиш, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш борасида Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўқув-услубий ҳужжатларни такомиллаштириш, сифатли ўқув адабиётларини тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганлиги ҳисобга олиниб, мазкур кенгайтирилган ўқув семинарлари ташкил этилди.

Маърузачилар томонидан ўқув-услубий ишлар сифатини ошириш мақсадида иқтисодий йўналишдаги барча олий ўқув юртлари вакиллари биргаликда Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув дастурларини кенг доирада муҳокама қилишлари зарурлиги уқтириб ўтилди. Айниқса, замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш илғор педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш ҳамда муаммоли маъруза ва амалий (семинар) машғулотларини ўтказиш, ўқув-услубий ҳужжатларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгилаш, таълим тизимида илғор хорижий тажрибаларни, дастурлар ва дарсликларни кенг доирада муҳокама қилиш ва уларни Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, бугунги кунда ўқув адабиётларини бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш мақсадида, педагогик технологияларнинг энг замонавий турларини кенг қўллаш, шу тариқа талабаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга эришилмоқда.

— Ўтган йил мобайнида эришилган ютуқлар, галдаги режалар ҳақида нималар дея оласиз...

— Ўтган 2005 йилда амалга оширилган ишларга бир назар ташласак, университетимизда "Илм-фан йили" деб эълон қилинган эди. Шу маънода биз ўқув жараёнида илгарилашларга ҳаракат қилдик. Жумладан, талабалар ахборот марказида компьютер ва локал тармоқни жорий этиш орқали уларнинг билим даражаси ортмоқда. Бу ишларнинг натижаси ўлароқ 374 та фандан ўқув қўлланма, 95 та фандан масалалар тўпламлари, 38 та услубий қўлланма чоп этилди. Орттирилган тажрибалар умумлаштирилиб дарслик ва ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари тайёрлашда қиёсий таҳлил усули қўлланила бошланди. Профессор-ўқитувчиларнинг иш самарасини ифодаловчи шахсий режа такомиллаштирилди.

Жорий ўқув йилида эса профессор-ўқитувчилар малакасини ва илмий педагогик салоҳиятини ошириш учун Россия ва хорижий мамлакатларга малака оширишга юбориш, дарслик ва ўқув йўлланмаларни тайёрлаш учун иқодий таътиллар бериш тизимини ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмалари учун моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, машғулотларни ахборот технологияларидан кенг кўламда фойдаланган ҳолда ўтказиш ва очиқ маърузалар тизимини такомиллаштириш, педагогларни ректорат талаблари асосида танловдан ўтказиш тизимини жорий этиш, ўқув жараёнида йўлланилиш учун Интернет янгиликларини йўналишлари бўйича чоп этилишини такомиллаштириш шулар жумласига киради.

— Юртимизда Наврўз шукуҳи ҳукмрон мана шундай дилкаш дақиқаларда юртдошларимизга, жамоа аҳлига тилакларингиз?

— Дарҳақиқат, баҳор айёми ҳисобланмиш Наврўз барча барчамизга гўзал ҳисларни ҳадя этади. Ҳазрат Навоий ҳам бетакрор мисраларининг бирида: «Ҳар тунунг қадр ўлибон, ҳар кунунг ўлсун Наврўз» дея лутф қилган.

Аслида баҳорга бўлган соғинч ҳар биримизнинг қалбимизда абадиятга қадар сақланади. Ҳаёт эса инсонни ҳар қадамда эзгуликларга чорлайди. Зеро бажарилган ҳар бир тўғри юмуш бани одам фарзандининг қалб қуёши порлоқлигидан, гўзалликка бўлган талпинишларидан нишона десак янглишмаймиз.

Илоҳим, кириб келган Наврўз ҳар бир ҳамкасбимиз, юртдошларимиз ҳаётида янги саҳифалар очсин. Биз таълим берачётган талабалар эса эртанги кунимизнинг етук ва салоҳиятли шахслари бўлиб етишсинлар.

Хидирали ПАНЖИЕВ
суҳбатлашди

Иқтисодиёт

ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

АЙНИ ДАЛА ИШЛАРИ ҚИЗИГАН БАҲОР ПАЛЛАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШГА АҲД ҚИЛГАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕККИШЛОҚМАШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ҲАМ ИШ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА.

Буюртмалар асосида техника ва механизмларнинг янги турлари устида изланаётган корхона тадбиркорлари турли русумда дон ҳамда чигит экиш агрегатлари, ўғит сепадиган механизмларни тайёрлаб республикамиз вилоятларига етказиб бермоқда. Бу эса айни пайтда дала юмушларига киришиб кетган деҳқон ва фермерларга жуда қўл келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар корхона техника ихлосмандлари томонидан буюртмаларга кўра 200 тадан зиёд турли русумдаги сеялка ҳамда кўплаб механизмлар, жами 374274 минг сўмлик техника воситалари ўз эгаларига топширилди.

Албатта, корхонада ишчи-хизматчиларига яхши меҳнат шароитларининг яратилганлиги сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда иш унумининг самарали бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорларнинг асл мақсадлари қишлоқ меҳнаткашларига энг яқин мададкор бўлишдир.

СЎЗАНАЛАР ЖИЛОСИ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ МУЖАССАМИ БЎЛГАН, ШАРҚОНА УДУМЛАРИМИЗНИ АКС ЭТТИРУВЧИ «ШАРҚ ГУЛИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ЎЗИНИНГ МАФТУНКОРЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРНИ ЖАЛБ ЭТАДИ.

Албатта, тикувчи ҳамда палакчи, уста каштачи ва моҳир дизайнерларнинг изланиш самаралари бўлган сеҳрли нақш ва безаклари билан кўзни қувнатувчи зардевору палаклар, гулкўрпа, дорпечлар, келинкуёвлар либослари, турли эсдалик совғаларини тайёрлашнинг ўзига яраша гашти ва заҳматлари бор. Буни дилдан ҳис этган чеварлар ҳамиша янгилик яратишга интилишади.

Шу боис бўлса керак, корхонанинг миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган маҳсулотларига нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш катта. Ранглари қатига меҳру муҳаббатларини ҳам қўшиб чатаётган палакчилар эса маҳсулотларини барчага манзур қилиш йўлида бир зум ҳам тинмайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хориж сармояларини жалб этиш асосида ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида корхона қошида «Шарқ-модель» ўзбек-турк қўшма корхонаси иш бошлади. Ҳозирда ушбу жамоа аҳли томонидан жаҳон андозалари даражасида тайёрланаётган 200 хилдан зиёд катталар ва болалар трикотаж кийим-кечаклари Америка Қўшма Штатлари ҳамда Россия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Танловлар

«ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ — 2006»

БИЗ ҚАЙСИ КАСБ ЭГАСИ БЎЛИШИМИЗДАН ҚАТЪИ НАЗАР КУНДАЛИК ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИГА ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАРГА ЭҲТИЁЖ СЕЗАМИЗ. БУ БОРАДАГИ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИМИЗ ЭСА «ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН БИЛАН МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИ.

Мазкур меъёрий ҳужжат хорижий экспертлар томонидан ҳам халқаро андозаларга жавоб берувчи энг мукаммал қонунлардан бири сифатида эътироф этилган. Шу боис давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш мақсадида махсус ўқув курслари учун дарсликлар ишлаб чиқилди. 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб, республикамиздаги барча таълим муассасаларининг ўқув дарсликларига киритилди.

Шаҳримизнинг «Зарафшон» киноконцерт зали биносида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» 1-республика кўрик-танлови эса келажагимиз воисларининг бу борадаги билим ҳамда малакаларини яна бир бор синовдан ўтказишда муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчи-ёшларимиз орасида ташкил этилган кўрик-танловда қатнашаётган иштирокчиларимизнинг фаоллиги, зукколиги кун сайин ортаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунончи танловнинг турли босқичларида республикамиз касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларидан 745 мингдан зиёд ўқувчиларнинг иштирок этганлиги бунинг яққол исботидир. Қолаверса, республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқичларида 28 нафар ўқувчиларнинг иштирок этаётганлиги юқоридаги фикрларимиз исботи дейиш мумкин.

— Бугун мен учун унутилмас кун, — дейди танловда Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилаётган Муҳайё Зуфарова. — Агар танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиб фахрли ўринни эгаллаган бўлсам, эндиликда республика босқичида ўзимнинг имкониятларимни синаб кўрмоқчиман. Имкониятлардан фойдаланиб, тенгдошларимга шуни айтмоқчиманки, биз ёшлар истеъмолчилик йўл-йўриқларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилсак қонунда кўзланган мақсад ва манфаатларга эриша олган бўламиз.

Кўрик-танлов уч шартдан иборат бўлиб, унга кўра ҳар бир иштирокчи табрик йўллаши, амалий топшириқни ижро этиш орқали кўрсатиши ҳамда тест саволларига жавоб бериши зарур. Шуни мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, ҳар бир иштирокчининг чиқишларини кузата туриб, уларнинг бу борадаги билим, малакалари юқори даражада эканлигига гувоҳ бўлдик.

Ниҳоят кўрик-танловнинг шартларини аъло даражада бажарган ўқувчилар 1, 2, 3-ўринни қўлга киритганлиги билан тақдирландилар. Унга кўра биринчи ўринни олган Юнус Ражабий номли педагогика коллежи 1-курс талабаси Муяссар Илҳомовага Pentium-IV шахсий компьютери, иккинчи ўринга лойиқ деб топилган Наманган юридик коллежи 2-курс талабаси Ширин Норматовага «LG» русумли мусиқа маркази, учинчи ўрин соҳиби Нукус педагогика коллежи 1-курс талабаси Аксангул Балтамуратовага «LG» русумидаги рангли телевизор топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов ғолиблари, иштирокчиларнинг таништирув маросимидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов ва Наталья Семёнова олган суратлар.







АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИДА «УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ» ҚЎЛЛАНМАСИ ТАҚДИМОТИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР- ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚАРО ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ОЛИМЛАР ВА ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАМДА ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

МАКТАБ ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Тадбирда бугунги кунда сайёрамизда экологик вазиятни барқарорлаштириш, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг камайиб кетишининг олдини олиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада аҳоли, айниқса ёш авлоднинг экологик маданиятини юксалтириш, барқарор ривожланишга йўналтирилган тадбирларда кенг жамоатчилик иштирокини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан амалга оширилаётган экологик таълим дастури лойиҳаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилаётир.

Мазкур лойиҳа доирасида ўзбек ва рус тилларида чоп этилган «Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида экологик таълим ва тарбия» китоби улғайиб келаётган авлодни она табиатга эҳтиром руҳида тарбиялаш, ёшларнинг экологик онг ва тафаккурини янада ўстиришда муҳим қўлланма бўлади.

Семинарда мамлакатимиздаги умумтаълим муассасаларида «Экология» дарсини ўқитиш билан боғлиқ ютуқ ва муаммолар хусусида ҳам фикрлашилди. Бу жараёнда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш самарасига бағишланган маърузалар тингланди ва интерфаол усулда машғулотлар ўтказилди.

ЎзА

Санъат

ТОМОШАБИНЛАРНИ ХУШНУД ЭТИБ

БОЙ РЕПЕРТУАРИ БИЛАН МУХЛИСЛАР ЭЪТИБОРИГА ТУШГАН ТОШКЕНТ ОПЕРЕТТА ВА МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИ БУГУНГИ КУНДА ҚАТОР ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАРНИ САҲНАЛАШТИРИШ УСТИДА ИЖОДИЙ ИЗЛАНМОҚДА. БУ ПОСТАНОВКАЛАР ОРАСИДА БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР ҲАМ БОР.

Таниқли бастакор Алишер Икромов томонидан ёзилган навбатдаги саҳна асари «Мамат ганчкор» деб аталди. Ёш томошабинлар фойдали касб-корларни эгаллашга бўлган қизиқишларини оширишга бағишланган мазкур постановка ҳам театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олди.

Актёрлар тузган навбатдаги томоша дастури бўйича «Учувчи сичқон», «Цирк маликаси», «Хонума», «Шарқ афсонаси» ва бошқа қатор асарлар ҳам намойиш қилинади.

ЭТНОГРАФИК ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИГА БАҒИШЛАНИБ СУРАТГА ОЛИНГАН ФИЛЬМЛАР ТОМОШАБИНЛАРДА ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРМОҚДА. ЭТНОГРАФИК МАДАНИЯТИМИЗ КЎРИНИШЛАРИ АКС ЭТТИРИЛГАН ЭКРАН АСАРЛАРИ СОНИ ЯҚИН ВАҚТ ИЧИДА ЯНАДА ОРТАДИ.

Республикамизнинг ҳужжатли фильмлар усталари бундай хайрли ишга бош қўшдилар. Киносанъаткор Семен Эгай бадиий раҳбарлик қилаётган студия экранлаштираётган этнографик фильмлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортади. «Қадимий ёдгорликлар», «Бахши», «Ҳалим» деб номланган фольклор асарлари ҳам бирин-кетин экран юзини кўради.

Акбар АЛИЕВ

Инсон ва қонун



Юрт тинчлиги ва осойишталигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ички ишлар ходимлари маҳаллаларда ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ўртасида турли қонунбузарликларнинг содир этилмаслиги йўлида масъулиятни ҳис қилган ҳолда хизмат қилиб келмоқдалар.

СУРАТДА: «Ўзбекистон» маҳалласи 120-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Самариддин Зайниддинов ва профилактика инспектори, лейтенант Жавлон Абдуқодиров посбонлар билан келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Учрашувлар

ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР ЎРГАНИЛДИ

МАЪЛУМКИ, ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА ИЗЧИЛ ҚАДАМ ТАШЛАЁТГАН МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТ ЮРИТА БОШЛАГАНИГА БИР ЙИЛ БЎЛДИ. ЎТГАН ВАҚТ ИЧИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ПРОФЕССИОНАЛ СЕНАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА МУҲИМ ҚАДАМЛАР ҚЎЙИЛДИ. ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА БУ ТЎҒРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИЛДИ. ШУ ЖУМЛАДАН ЮРТБОШИМИЗ ЎЗ МАЪРУЗАЛАРИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР БИЛАН БИРГА, «ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАРИМИЗНИ ЖОЙЛАРГА ЕТКАЗИШ, КЕНГ ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИНИ, ТАРҒИБОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ ВА КЕЧИКТИРМАСДАН ҲАЁТИМИЗГА ЖОРИЙ ЭТИШ, БУНИНГ УЧУН КЕРАКЛИ ЧОРА ВА ТАДБИРЛАРНИ КЎРИШ – БУГУНГИ КУНДА ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ ОҚСОҚ БИР ТОМОНИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМОҚДА», ДЕБ СЕНАТ ФАОЛИЯТИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН АЙРИМ КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАР ТЎҒРИСИДА ҲАМ АДОЛАТЛИ ФИКР БИЛДИРДИЛАР.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаларида баён этилган фикр ва мулоҳазаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида бугун жойларда, корхона, ташкилот, ўқув юртлари ва маҳаллаларда сенаторлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Куни кеча республика Миллий матбуот марказида Шайхонтоҳур туман фаоллари, фан, таълим муассасалари раҳбарлари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, маҳалла оқсоқолларининг Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдураҳимова билан учрашуви бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Фарида Абдураҳимова юқори палатанинг тизими, фаолияти ҳамда олиб борилаётган амалий ишлар, қонунларнинг ишланиши, яратилиши, уларнинг қабул қилиниши ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек мамлакатимиз Президентининг Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган маърузасининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган вазифаларга йиғилганлар эътиборини қаратди.

— Юртбошимиз ўз маърузаларида бир йиллик фаолиятга баҳо бериб, қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги илк қадамларни ижобий дея, шу ўринда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларни ҳам айтиб ўтдилар, — деди жумладан Фарида Абдураҳимова. — Сенат ўз олдига қўйган вазифаларни бажаргани, аммо айрим масалаларда оқсоқлик кузатилгани ҳақида ҳам фикр билдирдилар. Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар билан ўзаро муносабатлари, ўзаро ҳамкорлиги талаб даражасида эмаслиги, юқори палатанинг мутлоқ ваколатига кирадиган вазифаларнинг бажарилиши, қонун қабул қилингандан кейин унинг назоратини ҳам олиб бориш кераклиги ҳақидаги масалалар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айни пайтда ушбу камчиликлар ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда ва бугунги кунда Олий Мажлис палаталарининг ҳамкорликда самарали ҳаракат қилишига ва энг аввало қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида қуйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмиталари ва тузилмалари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Учрашувга йиғилганлар ўзларини қизиқтирган, ўйлантираётган кўплаб саволларига жавоб олдилар, фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлаб, мунозаралар олиб бордилар.

— Бўлиб ўтган учрашув барчада жуда яхши таассурот қолдирди, Олий Мажлис Сенатининг фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик, — деди 45-мактаб директори Мавлуда Алимжонова, — Кейинги ўқув жараёнида бу бизга катта ёрдам беради деб ўйлайман. — Юртимизда бўлаётган ҳар бир ўзгариш ва янгиликлардан хабардор бўлишимиз керак.

— Бизни ўйлантираётган, ечимини излаётган саволларимизга жавоб олдик, — дейди биз билан суҳбатда «Ҳувайдо» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Фотиҳ ака Аскаров. — Бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш керак, токи ҳар бир соҳанинг ўз мутахассиси бўлганидек, сенаторларимиз томонидан юрт ривожи, ободлиги, эл дастурхони тўкинлиги йўлида юқори органлар фаолияти ва қабул қилинаётган қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш, уларнинг мазмун-моҳиятини халққа етказиш катта аҳамиятга эга.

Шаҳримизнинг барча туманларида, турли соҳа ходимлари билан бўлиб ўтаётган учрашувлар таҳлилига бир назар ташласак, шундай хулосага келиш мумкин. Халқимиз ҳукуматимиз, Президентимизнинг жамият ҳаётини эркинлаштириш, тинчлик-барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга қабул қилинаётган қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, маҳаллий Кенгашлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва жойларда аҳоли билан биргаликда тадбирлар ўтказиб туришга эътиборни қаратиш лозимдир. Бу, албатта, ҳар биримиз учун фойдали бўлиш билан бирга сенаторларга халқни ўйлантираётган муаммоларни бевосита ўрганиб, уларни ҳал қилишда керакли қонунларни яратишга замин бўлади.

Шойра МУҲАМЕДОВА

«050»

ЭЗГУ ИШНИНГ ҚАНОТИ БЎЛАДИ

АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТУРЛИ ОФАТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, РЎЙ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ХАВФ-ХАТАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИКСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. ШУ БОИС, ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ РАҲБАРИЯТИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ АВАРИЯ-ТИКЛАШ, ҚУТҚАРИШ ИШЛАРИ ВА ЖАБРЛАНГАНЛАРГА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ БЕРИШ БЎЙИЧА ҲАР ЙИЛИ 21 СОАТЛИК ДАСТУР АСОСИДА МАҲАЛЛАЛАРДА МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИЛАР. АЙТИШ ЖОИЗКИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА НАФАҚАТ РЕСПУБЛИКАМИЗ, БАЛКИ ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ ҲАВАС ҚИЛАДИГАН МАҲАЛЛАЛАР БОР.

Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла бунга яққол мисол бўла олади. Унинг оқсоқоли Собир Комиловнинг ташаббуси, қолаверса фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши туфайли хайрли ишга қўл урилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси жуда ҳаракатчан, ўз ишини яхши биладиган инсонлардан бири. Маҳалланинг сир-асрорини яхши билади.

Маҳаллага кирсангиз, идора деворининг иккала томони деворий плакатлар билан жиҳозланганига кўзингиз тушади. Фуқаро муҳофазасига оид плакатлардан ташқари, маҳалла харитаси, тиббиёт, газ, сув қувурлари, электр-энергия соҳаси ходимлари тўғрисидаги маълумотлар, фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда хабар бериш телефонлари алоҳида плакатларда ёзиб қўйилганининг гувоҳи бўласиз. Яна бир плакатда «жамоатчи қутқарувчилар» деб ёзилган бўлиб, маҳалланинг 14 нафар фуқароси тўғрисида тўлиқ маълумот ўрин олган.

— Турар жойимиз Чирчиқ дарёси бўйида жойлашганлиги, аслида бу ерлар 1966 йилга қадар колхознинг экин ерлари бўлганлиги, баъзида баҳорда дарё суви қўтарилиб, экин далаларини сув босганлиги, фавқулодда вазият нима эканлигини ўз бошимиздан кечирганлигимиз учун, тўсатдан содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин, авария ва табиат инжиқликлари оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда ёрдам кучи етиб келгунга қадар ўзимиздаги имкониятлардан фойдаланиб туриш мақсадида маҳалланинг харитаси, кўчаларнинг кўрсаткич чизиқлари, шу ерда яшайдиган турли мутахассисликка эга бўлган фуқароларимиз тўғрисидаги маълумотларни ёзиб қўйганмиз, — дейди оқсоқол.

Германия Федератив Республикасидан мамлакатимизда фавқулодда вазиятлар ва хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган фаолият билан танишиш ҳамда тажриба алмашиш, керак бўлса ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйиш мақсадида делегация ташриф буюрганда улар тўғри шу маҳаллага келишди. Маҳалладаги қилинаётган ишларни кўриб, «бизнинг ҳам сизлардан ўрганишимиз лозим бўлган янгиликлар кўп экан» дейишди. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, терроризмга қарши кураш учун катта кучларни қарши қўйишдан кўра халқни тайёрлаш, аҳолининг сиёсий ва маънавий онгини шакллантириб бориш катта самара беришини, маҳаллада уюшган, онгли, иқтидорли ва ҳар қандай муаммоли масаланинг ечимини топа оладиган кучлар борлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилдилар. Орадан кўп ўтмай, Германияга республикамиздан делегация таклиф қилишди. Улар сафида А.Назаров маҳалласи оқсоқоли Собир Комилов ҳам бор эди. Германияда минбардан туриб Ўзбекистон Республикаси маҳалласининг оқсоқоли бизнинг демократик бошқарув тизимимизда маҳалланинг роли ҳақида гапирганида, 50 та давлатдан борган делегациялар ҳаммаси ўрниларидан туриб қарсак билан олқишлаб, кейин оқсоқолнинг ёнига келишиб мустақил Ўзбекистон Республикасининг демократик ривожланиш йўлига ишонч билан қарашларини, бошқарув тизимининг бошқалардан фарқли ва ўзганишга арзийдиган томонлари борлигини яқин йилларда ривожланган мамлакатлар қаторига киришини ишонч билан таъкидлашди.

Хайрли иш эзгуликка етаклайди, дейишгани рост экан. Шу йили республикамиздаги барча вилоятларнинг фавқулодда вазиятлар бошқармалари бошлиқлари ушбу, маҳалла тажрибасини ўрганиш учун келишди. Улар бу фаолиятга яхши баҳо бериб, бу тажрибани ўз вилоятларига ёйиш ниятини билдиришди.

Бошқа маҳалаларда ҳам шу каби ишларни амалга ошириш ишлари бошланди. «Янгиобод», Умид, «Тарновбоши», И.Юнусов маҳаллаларида ҳам «Фуқаро муҳофазаси» бурчаклари ташкил қилиниб, маҳалла аҳолиси билан шу соҳа бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Эзгу ишнинг қаноти бўлади, деганларидек бу тажриба шаҳарнинг бошқа туманларига ҳам кенг ёйила бошлади. Собир Раҳимов, Юнусобод, Чилонзор, Бектемир, Учтепа ва Мирзо Улуғбек туманларидаги 50 дан ортиқ маҳаллаларда «Фуқаро муҳофазаси» бурчаклари ташкил қилинди ва аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан машғулотлар олиб борилмоқда.

Фавқулодда вазиятнинг олдини олишнинг асоси профилактика-тозалик, покизалик ва ҳамжиҳатликдир. Шу ҳаётий фалсафани ўйлаб кўрмаган эканман. Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганига шу йил 10 йил тўлди. Бу — чинакам халоскорлар ва нажоткорларнинг, мададкор ҳамда кўмакчиларнинг касб байрами, десак адашмаймиз. ФВВ тузилмалари билан ҳамкорлик қилиб, бундай савобли ва хайрли ишларни амалга ошираётган маҳаллаларимиз оқсоқолларига ва фаолларининг бу борадаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз. Бу ташаббус республикамиз маҳаллаларида кенг ёйилишига астойдил ишонамиз.

Ҳамза ШОДИЕВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими

Ҳукм ўқилди

ҚИЛМИШИГА ЯРАША...

ИНСОННИНГ УМРИ АДАШИШЛАР, ХАТОЛИКЛАРДАН ҲОЛИ КЕЧМАЙДИ. ШУ БОИС КЎҲНА МАНБАЛАРДА БЕАЙБ ПАРВАРДИГОР ДЕЙИЛАДИ. АГАР ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА ИНСОН ҲАЁТИ ТУРЛИ НОМАЪҚУЛЛИКЛАРДАН АЙРИЧА КЕЧГАНИДА, БАЛКИ УНИНГ ФАРИШТАДАН ФАРҚИ ҚОЛМАСМИДИ?! БИРОҚ НОЖОИЗ ҚЎЙИЛГАН ҲАР БИР ҚАДАМ, ЖАМИЯТ ҚОНУНЛАРИНИ ПИСАНД ЭТМАСЛИК У ҚАНДАЙ КЎРИНИШДА БЎЛИШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАСЛИГИ ТАБИИЙ.

Зубайда Фарҳодова Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги тиббиёт коллежига яхши мутахассис бўлиш ниятида кирган эди. Бироқ у ҳали олдинда тақдирнинг кутилмаган "совға"-лари борлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса ажабмас. Очиқроқ айтадиган бўлсак III босқичда ўқиб юрган кезларида уй соҳибаси бизга қоронғи бўлган сабабларга кўра ундан турмуш ўртоғини рашк қила бошлайди:

— Сен, эримнинг бошини айлантириб қўйяпсан, — дейди у андишани бир четга йиғиштириб қўйиб.

Ўзини ноҳақлик, туҳмат қурбони деб билган қизнинг ўқишдан кўнгли совийди. Аччиқ ва алам устида коллеждаги ўқишини ташлаб кетади. Энди у ўз олдига ишлаб маблағ орттиришни, қўл учида кун кечираётган ота-онасига моддий кўмак беришни мақсад қилиб қўяди.

Шундай кунларнинг бирида Зубайда дугонаси Шаҳноза билан учрашиб қолади. Салом-аликдан сўнг унга ниятини билдиради.

— Шуни ҳам ўйлаб юрибсанми? — дейди "ҳожатбарор" дугона. — Истасанг мен сенга ёрдам бераман.

— Қандай қилиб? — дея сўрайди Зубайда мушкули осон бўлиши мумкинлигидан қувониб.

— Дугонажон, ахир биласан-у пойтахтда таништларим бор...

Ўша куни улар Тошкентга сим қоқишади. Шу тариқа З.Фарҳодова содир бўлажак мудҳиш жиноятларнинг асосий сабабчиси Абдураим Норқулов билан ғойибона танишади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нуфузли идораларнинг бирида адвокат лавозимида фаолият юритаётган А.Норқулов собиқ талаба қизга иш топиб беришга ваъда беради. Бироқ унинг кўнглидаги пинҳона ниятлар сирлигича қолаверади.

Ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган З.Фарҳодова эса ўзини тақдир измига топшириб, А.Норқулов билан учрашишга рози бўлади. Ажабланарли томони шундаки, "бегона, боз устига нотаниш кимса менга қандай қилиб иш топиб бериши мумкин?" деган савол уни қийнаб ҳам ўтирмайди. Шу аснода ўзаро келишувга кўра, улар 2004 йилнинг 11 май куни Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги автобус бекатида учрашадилар ва биргаликда Тошкентга келишади. Ўша куни А.Норқулов З.Фарҳодовани таниши —Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 63-уй, 25-хонадонда яшовчи, 1927 йилда туғилган Анна Братунецнинг уйига вақтинча истиқомат қилиб туриш учун жойлаштиради.

2004 йил 12 май куни соат 13.00ларда А.Братунецнинг йўқлигидан фойдаланган А.Норқулов "мижози" З.Фарҳодовага тегажоғлик қилади. З.Фарҳодованинг қаршилиги ва ялинишларига қарамай ахлоқ меъёрларига зид ҳолда у билан бир неча бор ғайриташбиий муносабатда бўлади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, уйда содир бўлаётган воқеалар ёши анчага бориб қолган А.Братунецни бефарқ қолдирмасди. У 2004 йилнинг 13 май куни соат 18.00 ларда ўз уйида бўлган вақтда А.Норқулов маст ҳолатда кириб келади. Табиийки, бу ҳолат хонадон соҳибасига ёқмайди. Ўртадаги шунчаки айтишув даҳанаки "жанга" айланади. Ўзлигини йўқотган А.Норқулов А.Братунецни калтаклай бошлайди. Етказилган жисмоний зарбаларга дош беролмаган кекса аёл воқеа жойидаёқ вафот этади. Суд тиббий экспертизасининг 2004 йил 16 май куни 678-сонли хулосасига кўра А.Братунецнинг ўлими бош мия суягига тўмтоқ жисм урилиши оқибатида содир бўлганлиги аниқланган.

Биз қотилликнинг барча икир-чикирлари ҳақида атайин тўхталиб ўтирмадик. Муаллифларни масаланинг бошқа бир томони, яъни ўз ҳуқуқини, бурчларини яхши билган, олий маълумотли, боз устига ҳуқуқни муҳофаза этиш идораси ходимининг жиноят содир этгани қизиқтиради. Халқимизда: "Қози нокобил чиқса, дардингни кимга айтасан?" деган мақол бор. Шу маънода А.Норқуловни жиноят содир этишга нима мажбур қилди?

Назаримизда, А.Норқулов қонун меъёрларини кўра била туриб, онгли тарзда бузган. Бу орқали у эгаллаб турган лавозимини, халқ ишончини ўзининг чиркин манфаатлари йўлида хизмат қилдиришга уринган. Масаланинг яна бир жиҳатини ҳисобга олганда З.Фарҳодовани ҳам оқлаб бўлмайди. У ўзининг инсоний ғурурини топташга йўл қўйиши баробарида, А.Норқуловнинг дўқ- пўписаларидан эсанкираб қолгани ва жиноятчининг қотилликни содир этишида яқиндан ёрдам берганлигини изоҳлаш оғир, албатта. Нима бўлган тақдирда ҳам А.Норқуловнинг қабиҳ қилмишлари оқибатида фақатгина марҳума эмас, балки, З.Фарҳодованинг ҳаётига ҳам қора чапланди.

Шуъла порлаган пайтда кўланка чекинганидек, ҳар қандай кўринишдаги жиноят ҳам одил судлов олдида ўз баҳосини олиши даркор! Шунга кўра айбланувчи А.Норқулов, З.Фарҳодовалар устидан қўзғатилган жиноий иш ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Гувоҳлар кўрсатмалари ўрганилди, мазкур жиноятга дахлдор суд тиббий экспертизасининг хулосалари тингланди. Ниҳоят одил судловнинг ҳукмига биноан ЖКнинг 59-моддасида кўзда тутилган бандларга мувофиқ А.Норқулов 18 йил, З.Фарҳодова ЖКнинг 28, 97 моддаси 2-қисми "В" банди билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Саодат МИРСАГАТОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.
Ҳумоюн АЛИЕВ.

Сўранг, жавоб берамиз

ХАТЛАР ПОЕЗДДА ЖЎНАТИЛАДИМИ?

Ҳозирги вақтда ишлаш учун Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларига кетган қариндош-уруғлар ва танишларимизга хатлар йўллашимизга тўғри келади. Уларнинг кўрсатилган манзилга етиб бориши ёки бизгача етиб келиши анча чўзилиб кетаётганга ўхшайди.

Эшитишимизга қараганда, ҳозир хатлар кўпроқ самолётда эмас, поездларда ташилармиш. Шу тўғрими?

Суюнбой Эшимов, Янгийўл тумани, Тошкент вилояти.

Алоқа хизмати мутасаддиларининг хабар қилишларича, жўнатилган жойидан авиапочта маркалари ёпиштирилган хатлар манзилларга одатда ҳаво йўлларидан – яъни авиапочта орқали жўнатилади. Кўшни республикалар ва Россия марказига ҳам барча мактублар самолётларда жўнатилади.

Лекин, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, кўпгина йўналишларда ҳозир авиарейслар кечагича кўп эмас. Шунинг учун ҳам хатларни мунтазам ўз вақтида жўнатиш имконияти чекланган...

МУЗЛАГАН МЕВАЛАР ФОЙДАЛИЛИГИ ҚОЛАДИМИ?

Бозорларда қаҳратон қиш кезлари ҳам экзотик меваларни кўрамиз. Масалан, банан, киви, цитрусларни совуқ урган бўлиши мумкин-ку. Шундан кейин ҳам уларнинг фойдалилиги сақланиб қоладими?

Суҳроб Жамолов, Қибрай тумани, Тошкент вилояти.

Мутахассислар фикрича, музлаган ёки озмикўпми совуқ урган мевалар ва сабзавотлар таркибидаги витаминларнинг 80 фоизини йўқотган бўлади. Бундан ташқари уларнинг айримларини узоқ сақлаб бўлмайди. Айниқса бананлар мисолида буни кузатиш мумкин.

Таажжубки, апельсин ва мандаринлар бошқа мевалар, чунончи нокларга қараганда совуққа чидамлироқ бўларкан. Улар пўстининг қалинлиги бунда муҳим роль ўйнаса керак. Умуман олганда ҳар қандай мевалар ўз сифатини йўқотмай, 1 даражадан ортиқ бўлмаган совуққа чидайди.

ШОКОЛАД БЕРМАНГ

Болаларга неча ёшдан шоколад едириш мумкин? Кофени-чи? Қўзиқорин бериш хавфли эмасми?

Саидасрор Хурромов, Чилонзор тумани.

Консультант-маслаҳатчи Муҳаммаджон Миршарипов жавоб беради:

Шоколад таркибида асаб тизимини қўзғатувчи хусусиятга эга бўлган теобромин моддаси катта миқдорда бўлади. Шунинг учун уч ёшга тўлмагунча болаларга шоколад бериш тавсия этилмайди.

Уч ёшдан кейин гўдакка бу ширинликни берса бўлади. Лекин шунда ҳам эҳтиётлик билан, озроқдан шоколад бериш керак. Чунки, барибир, у кучли аллергенлардан ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болаларга кофе ҳам фойдали деб бўлмайди. Унинг қўзғатувчи хусусияти болага салбий таъсир этади.

Демак, кофени болаларга фақат мактаб ёшига етгандан кейин бера бошлаш керак, Шунда ҳам уни суюқроқ ва сут қўшилган ҳолда тайёрлаган маъқул.

Қўзиқоринга келсак, уни ҳам гўдакларга бериш тавсия этилмайди. Зеро, унинг таркибидаги ҳазм бўлиши қийин бўлган оқсиллар ошқозон-ичак йўлида жуда секинлик билан парчаланади. Каттароқ ёшдаги болаларга (7-10 ёшдан кейин) қўзиқоринни яхшилаб пиширib бериш керак бўлади. Яъни қозонда уни камида бир соат давомида ҳил-ҳил қилиб етилтириш керак бўлади. Шундагина бола ошқозонининг бузилишининг олди олинади.

ҚАЧОН ХАВОТИРЛАНИШ МУМКИН?

Қон босими ҳақида гап кетганда, кўпинча у бир юз қирққа тўқсон бўлиши билан вақтни пайсалга солмай, шифокорга мурожаат қилиш кераклигини айтишади. Лекин рақамлар бундан анча баланд бўлиб кетгандагина саломатликка хавф туғдиради дейишардику? Мутахассиснинг шу ҳақдаги фикрини билишни истардик...

И. Сулаймонова, Учтепа тумани.

Тиббиёт фанлари номзоди, невропатолог Ф. Саидов жавоб беради:

Тиббиёт илми ҳақиқатан ҳам қон босимининг кўтарилиши бир юз қирққа тўқсондан бошланишини эътироф этади. Юз қирққа тўқсондан 159 га 99 оралиғигача қон босими гипертониянинг юмшоқ шакли дейилади. Қон босими ортиқ юрадиган кишиларнинг мамлакатимиздагина эмас, бутун дунёда ҳам 70 фоизи шу ҳолатда юришади.

Лекин **"юмшоқ"** гипертония хавфли касаллик ҳисобланади. Юқори қон босимли кишилар (160 га 100 ортиқ ҳолатдаги беморлар) одатда доридармон қилиб юришса, "юмшоқ" гипертониклар шифокорга мурожаат қилишмайди. Чунки уларнинг фақат кам қисмигина эрталаблари бошлари айланишини ёки кун давомида бош оғриғини ҳис этади.

Лекин бундай одамларда истаган вақтда қон босими кескин кўтарилиб кетиши мумкин. Бу эса, инфаркт ёки инсульт хасталигига учраш хавфини кучайтиради.

"Юмшоқ" гипертонияни мутахассис кардиологлар ҳеч бир қийинчиликсиз даволашади. Уни аниқлаш ҳам қийин эмас – вақт-вақти билан қон босимини ўлчаб турилса бас. Энг аввало, оиласида гипертониклар бўлган кишилар, ёши қирқдан ўтганлар ва ортиқча вазнга эга бўлганлар бу қоидага амал қилишлари керак.

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ақл ва фаросат шундай бир гавҳарки, унинг мадади билан кишиларнинг сўзи ва феълу ҳаракатига қараб, уларнинг ақли доирасини, касбини, яхши хислатли ёки қабиҳ иллатли эканини билиб олиш мумкин.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Қанчадан-қанча одамлар ақл билан пастликдан юқорига кўтарилади, қанчадан-қанча қадрли одамлар нодонликка йўл қўйиб, пастлик сари қулайди. Байт:

Эй ўғил, бу сўзим синалган бешак,
Бошида ақли йўқ мисоли эшшак!

«ОТАЛАР сўзи»

Халифа Мансур ўз ўғлига деди:

— Эй ўғил, мендан икки нарсани ўрган, бу нарсалар ҳаётингда керак бўлади. Биринчиси шулки, нима иш қилсанг, аввал роса ўйла, кейин ҳукм чиқар. Иккинчиси шулки, нима ишга қўл урсанг, аввал уни йўлга сола оладиган ёки қувватини қайтара оладиган чора-тадбирини кўриб қўй!

Бир ҳакимнинг айтишича, яхши хулқнинг ўнта белгиси бор. Улар қуйидагилардир: ақл, инсоф, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, эҳсон, сабр, шукр ва мулойимлик.

«ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО»

Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

ҲАДИС

Нафснинг тизгини ақлнинг қўлидадир, ақл нафс устидан ҳукм юргизиб, уни ёмон йўлдан асраб туради. Одатда қайси нарса кўпайса, қадри камайиб кетади. Аммо ақл кўпайгани сари қадри ошаверади. Ҳамма нарсанинг чегараси ва тўхтайдиган жойи бор, аммо ақлнинг чегараси йўқ.

Арслон ўз қуввати ва шижоати билан овқат топиб, кун кечиргани каби инсон ҳам қайда бўлмасин ўз ақли билан кун кечиради. Агар кишида молу дунё кўп бўлсаю, ақли бўлмаса, қадру қиммати ҳам бўлмайди.

Ақлнинг аломати камтарлик, аҳмоқликнинг белгиси эса такаббурликдир.

«ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО»

Ҳасми доноки, офати жондур,
Яхшироқ дўстдинки, нодондур.

ОРАЗИЙ

Доно ҳар диёрда азизу мукаррамдир,
Нодон азиз бўлган диёрга лаънатлар бўлсун.

НОДИРА

Кишиларнинг оқил ёки жоҳил эканлиги уларнинг сўзидан ва тутган ишидан маълум бўлади. Шунинг учун ҳам донолар: «Қозонда бори чўмичга чиқади», — деб бежиз айтишмаган.

Назм:

Ҳар кимсанинг бўлса ёмон одати,
Ўзи билмас, такрорланар бу одат.
Чаён тошга урар ўткир нишини,
Ваҳоланки, ётказолмас ҳеч заҳмат!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Ақлли одамнинг ўзини мақташидан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса, мақтанган бўлади, ёлғон бўлса қадри кетади.

Ақлли киши ўз нуқсонлари учун узр сўрайди.
Нодон одамнинг гапи кўп бўлади.

«ОТАЛАР сўзи»

Бир ҳакимдан: «Сиз кишининг ақлини қандай қилиб биласиз?» деб сўрадилар. Ҳаким уларга: «Агар менда бундай истак пайдо бўлса, аввало ўша киши билан суҳбат қураман, баъзи нарсалар ҳақида баҳс этаман, агар сўзлари рост ва хатоси кам бўлса, демак ундай кишида ақл бор, деб тасаввур қиламан» деб жавоб берди. Яна ундан: «Борди-ю, ўша киши билан сўзлаша олмасангиз, сиздан узоқда бўлса, унда қандай қилиб аниқлайсиз?» деб сўради. «У пайтда, —деди ҳаким, — ўша киши юборган дўст билан гаплашаман, дўсти орқали гапи ёки хатидаги фикрлардан мазкур кишининг ақл доирасини текшираман!»

«ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО»

Ақлли киши шавкатли ва моли кўп бўлишига қарамай, душман билан ортиқча адоват йўлини тутишдан парҳез қилади.

Байт:

Ҳаддидан оширма жавру жафони,
Душманинг бўлса-да заиф, нотавон.
Мол-мулкинг душмандан ортиқ бўлса ҳам,
Хорлама ортиқча уни ҳеч қачон.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Беақл бўлма ҳеч, беақл киши,
Оёқсиз қурт каби юриш-туриши.
Тўзишу, йўқ бўлиш бу нифоқдандир,
Ғалаба доимо иттифоқдандир.

Низомий ГАНЖАВИЙ

Ҳакимлардан бири айтади:

— Одамнинг дилидаги нарсани ақлимиз сеза олиш қувватига эга. Дилдаги нарсани аввало кишининг тили, сўнгра эса кўзи билдиради. Шунинг учун: «Кўз — кўнгил ойнаси» дейдилар.

«ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО»

Сержаҳл бошда ақл бўлмайди.

Ақлли киши одоб қоидаларини мукаммал ўрганишга интилади. Ақлсиз киши эса одобга амал қилмасликка интилади.

Ақлликка бир ишора кифоя қилади.

«ОТАЛАР сўзи»

Азизим, улуғликнинг сабаби ақл ва одобдир. Кимки соф ақл ва комил фаросатга эга бўлса, пастлик даражасидан улуғлик мартабасига эришиши мумкин. Байт:

Кимда ўткир ақлу фаросат бордир,
Ғалаба байроғини тикар осмонга!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Кўргазмалар

«ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА ЯШИРИНГАН ҲАЁТ»

БАДИИЙ КЎРГАЗМАЛАР ДИРЕКЦИЯСИ НАВРЎЗ — УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ АРАФАСИДА РАССОМЛАР СУЛОЛАСИ ВАКИЛЛАРИ ФЕРУЗА ВА ЛАЙЛО БАШАРОВАЛАР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН «ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА ЯШИРИНГАН ҲАЁТ» НОМЛИ КЎРГАЗМАНИ ҲАВОЛА ҚИЛМОҚДА.

Феруза ва Лайло Башаровалар Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг графика кафедрасида фаолият олиб бормоқдалар. Улар турли китоблар, болалар адабиёти ва бошқа кўплаб график асарларнинг муаллифидир.

Феруза Башарова Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг графика бўлимини, Лайло Башарова эса Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг китоб графикаси бўлимларини муваффақиятли тугаллашган. Опа-сингил ижодкорлар ҳозир Тошкентда яшаб, ижод қилмоқдалар.

«Эртаклар оламига яширинган ҳаёт» деб номланган кўргазма экспозициясида шарқ ва европа эртакларига ишланган асарлар намойиш этилмоқда. Феруза ва Лайлонинг оқ-қора ва рангли график суратларида ёрқин образлар эртаклар оламига хос безатилган ҳамда график суратлар матнлар билан бойитилган бўлиб, унда жуда нафислик ва чексиз меҳр ила қаҳрамонларнинг ички дунёси очиб берилади.

Жумладан, ушбу кўргазмада муҳаббат, дўстга садоқат туйғулари ишонарли ва жонли тарзда акс эттирилган. Опа-сингил Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳамда республика ва халқаро кўргазмаларнинг фаол иштирокчисидир.

Уларнинг асарлари Ўзбекистон ва хориждаги хусусий тўпламлардан жой олган. Мазкур кўргазма Ўзбекистон Бадиий академиясида 25 мартгача давом этади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: опа-сингил Башаровалар.
Владимир Гранкин олган сурат.



СИЛ —ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКДИР. СИЛ ҲАММА АЪЗОЛАРНИ (СУЯКЛАР, БЎҒИМЛАР, МИЯ ҚОБИҚЛАРИ, БУЙРАК, ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР, ТЕРИ, КЎЗ ВА Ҳ.К.) ШИКАСТЛАШИ МУМКИН, ЛЕКИН АСОСАН ЎПКА ШИКАСТЛАНАДИ. АЙНАН ЎПКА СИЛИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОР АТРОФГА СИЛ ТАЁҚЧАЛАРИНИ ТАРҚАТАДИ ВА ОДАМЛАРГА УШБУ КАСАЛЛИК ЮҚИШИГА САБАБ БЎЛАДИ.

24 Март — Халқаро силга қарши кураш куни

ХАВФЛИ КАСАЛЛИКДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Сил микобактериялари ҳаво-томчи ёки алиментар йўл билан (овқат орқали) юқади. Булар орасида энг хавфлиси ҳаво-томчи йўли ҳисобланади. Сил билан касалланган бемор йўталганда ҳавога Кох таёқчалари бўлган майда томчилар ажралади ва улар яқин атрофдаги инсонларнинг нафас йўлларига киради. Соғлом инсон беморга қанчалик яқин бўлса, унинг танасига шунчалик кўп микроблар киради. Тор, ҳавоси янгиланмайдиган хонада жуда юқори даражага етади.

Микобактериялар атроф-муҳитда узоқ вақт давомида сақланишини ҳисобга олсак, силни ҳар жойда, зарарланган ҳаводан нафас олиш орқали юқтириб олиш мумкин.

Лекин ҳамма ҳам сил билан оғримайди, кўпинча инсонлар фақат инфекцияни юқтириб олишади. **Инфекцияни юқтириб олган шахслар туберкулинга (манту синамасига) мусбат жавоб берадилар, лекин силнинг клиник-рентгенологик белгиларига эга бўлмайдилар.**

Сил асосан ким учун хавфли? Танасида сил микобактериялари мавжуд бўлган соғлом инсоннинг фаол сил билан касалланиш эҳтимоли 5-10 фоизга тенг. Лекин, тана заифлашган бўлса, у ҳолда албатта касалланиш эҳтимоли ортади. Тана заифланишига қуйидагилар сабаб бўлади: **сифатсиз овқатланиш, стресслар, зарарли одатлар (чекиш, ичкиликбозлик, гиёвандлик), сурункали касалликлар (сурункали носпецифик ўпка касалликлари, қандли диабет, гастрит, ошқозон-ичак яралари, СПИД ва ҳоказо). Ҳомиладорлик ва туғишдан кейинги давр ҳам тананинг ҳимоя қобилиятини камайтиради.**

Ўпка силига учраган беморнинг қариндошлари ва яқинларида силни юқтириб олиш хавфи юқори бўлади. Бундай оилаларда касаллик юқтириб олишнинг асосий хавфи ёш болалар ва тана ҳимоя кучлари заифлашган инсонларга тўғри келади.

Силдан қандай сақланиш мумкин? Ушбу масаладаги энг асосий нарса — бу беморнинг атрофдагиларга касалликни юқтирмаслик истаги ва буни қандай амалга ошириш хусусида билимга эга бўлишидир. Фаол сил билан касалланган бемор:

- Йўталганда тескари қараши ва оғзини рўмолча ёки қўли билан тўсиши керак.
- Қоғоз рўмолчаларни ишлатиб бўлган заҳоти ёқиб юбориш керак.
- Алоҳида идишлардан фойдаланиши ва бошқаларга унинг идишларидан фойдаланишга рухсат бермаслик керак.
- Ёстиқлар, ёпинчиқлар, жундан тўқилган кийим-кечаклар ва шу каби нарсаларни қуёш нурлари остида шамоллатиш керак.
- Кох таёқчалари 60 градус таъсирида 5 минут давомида қиздирилганда ҳалок бўлади.

Касаллик ривожланганда, яъни сил микобактериялари кўпайишни бошлаганда, танада заҳарланиш симптомлари пайдо бўлади. Булар ҳолсизлик, тез чарчаш, вазн йўқотишдир. Беморнинг иш қобилияти пасаяди, тунги терлаш безовта қилади, иштаҳа йўқолади. Иситма чиқишига бемор эътибор бермаслиги ҳам мумкин, чунки иситма юқори бўлмайди (37-37,5 С). Касалланиш бошида доим ҳам йўтал ва кўкрак қафасидаги оғриқ юзага келавермайди. Лекин сил ривожланиб боргани сайин улар беморни безовта қила бошлайди. Юқоридагиларга қон тупуриш ҳам қўшилиши мумкин.

Бу белгилар бошқа касалликларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин, лекин улардан ҳар бири, айниқса, йўтал, 3 ҳафта ва ундан кўп вақт давомида сақланадиган бўлса, сил тўғрисида ўйлаш керак бўлади.

Сил белгилари пайдо бўлганда энг яқин даволаш муассасасига, умумий амалиёт шифокорига мурожаат қилиш керак. Шифокор албатта балғамни текширишга йўлланма беради. Кўпинча балғамни микроскопик текшируви сил мавжудлигини тасдиқлаши мумкин. Одатда балғамнинг уч намунасини текшириш кифоя. Агар сил микобактерияси аниқланмаса, шифокор беморни рентгенологик текширувга йўллайди. Рентгенографик ёки флюорографик текширув сил ташхисини қўйишда ёрдам бериши мумкин. Агар рентгенологик текширув ташхисни тасдиқламаса, у ҳолда 2-3 ҳафта мобайнида антибиотиклар билан даволаш усули қўлланилади ва юқоридаги текширувлар қайтадан амалга оширилади. Шифокор барча маълумотларни таҳлил қилиб чиқади ва ташхис тўғрисида қарор қабул қилади. «Сил» ташхиси қўйилган бемор силга қарши курашиш диспансерига йўлланади.

Дилдора МИРБОБОЕВА,
Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиалининг директори.

Қатралар

БИРДАМЛИКНИ СЕВАДИ НАВРЎЗ

Ям-яшил ўтлоқлардаги ранг-баранг гуллар илиқ шамолда тебраниб ўзаро шивирлашади:

— Баҳорнинг севимли гулиман, — дейди бинафша. — Омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, дея одамлар мени димоқларига тутадилар.

— Мен ҳам ёқимли бўлсам керак, — деди камтарлик билан сиёҳранг лабларини қимтиб чучмома.

— Мен ошиқларнинг дил изҳориман, — ёноқларини қип-қизартириб бўш келмади лола ҳам.

—Ҳаммангиз ҳам бир-бирингиздан аълосиз, — дейди гулларга ошифта кўнгил. — Яхшиси сизни бирлаштириб, гулдаста тузаман. Шунда бир-бирингизни очиб, янаям чиройли кўринасиз, кўрганда кўзлар қувнайди. Сўнг қўлим билан сизни юқори кўтариб, Наврўзни олқишлайман. Бирдамлик ва аҳиллиқни севади Наврўз!

БАХИЛНИНГ ГИЁСИ

У керак бўлиб қолар, деб ҳовли деворидан қўшниси томонга туйнук очиб қўйган. Эрта баҳор эди. Туйнукдан мўраласа деҳқон йигит кунгай жойига сабзи сепаяпти. «Ўтган йили ҳам эрта сепиб, мўмай даромад олувди» — дейди у туйнукдан кўзини узаркан.

Чиллаки чиллакини кўрса чумак уради, дегандек у ҳам тезда уруғ сепиб куймаланади. Туйнукдан эрта, кеч мўралаб, парваришини рақибиникига ўхшатиб қилади. Бир кун аҳли аёли экинга разм солса кўл-кўл сувдан эзилган. Туйнукдан қараса қўшнисиники кўм-кўк, барглари диркиллаб турибди. Қияликда-да, тагидан милдираётган сув ҳосилга-ҳосил қўшаяпти.

— Кўшни нима қилса шуни қилаверасизми, сувни қуяверіб экинни ўлдирибсиз. Жойимиз уникидек қиямас, ўтириқ-ку. Шоли бўлсайкан сувни кўтарса, — жиғибийрон бўлди аёл эрига.

Эрининг дами ичида. Рақибини кўра олмаслик ўтида ёниб, гоҳ кечалари унинг сувини чиппа бўғиб, ўзиникига бургани, эрининг ўтириқлигига бефарқ бўлганига эса минг афсусда эди.

Баҳилнинг кўкармас гиёси,
Қалби кир-да, йўқдир зиёси.

БОР БЎЛСИН МЕҲР

Нав-ниҳоллардаги ҳисобсиз муртаклар кўз очиб, мендан меҳнатингни аяма, камлик кўрмайсан, дея атрофга бўзлаб боқади. Ишёқмас эса бундан безовта:

— Иш сезони бошландими, а дарров, — қовоғини уяди у. Назарида енгил-елпи иш ҳам елкасини тоғдек босяпти.

Кўркам фаслни соғинган ишсеварнинг-чи, чеҳраси очиқ, юрагида қат-қат эзгу, тилаклар. Ниятига яраша тоғдек ишни ҳам енгил ҳис қилади.

— Бир меҳримизга минг меҳр билан жавоб беради. Барокати чексиз. — Ишонч билан муртакларга боқади ишсевар ғайрат ва шижоатни ишга соларкан.

Меҳрсизнинг иши доғлидир,
Меҳрлининг эса иши ёғлидир.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Футбол

ШАРТНОМА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистон терма жамоасининг моҳир ҳужумчиси, Киевнинг «Динамо» клуби аъзоси, 2005 йилда ўтказилган Осиё қитъасининг энг яхши футболчиси номинациясида иккинчи ўринга сазовор бўлган чарм тўп устаси, шунингдек, ўтган йилги Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси Максим Шацкихга «Динамо» клуби раҳбарияти яна ишонч билдирди.

Гап шундаки, 1999 йилда «Динамо» сафига қўшилиб тўрт марта Украина чемпионлигини, уч марта Кубок соҳиблигини қўлга киритган Максим Шацких «Динамо» сафида 2009 йил 1июлига қадар тўп суради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАР КУНИ

24 МАРТ, ЖУМА

ДОИМИЙ МАСЛАҲАТЧИ МУНАЖЖИМЛАРИМИЗДАН М.СМИРНОВА ТАВСИФИЧА, БУГУН ҲАР ҚАНДАЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЖОДИЙ МЕҲНАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ.

Фаолият кўрсатишда бирон-бир чекловчи ҳолат йўқ. Моддий муаммолар кескин кўндаланг турмаётган, тирикчилик шошириб қўймаётган бўлса – демак, ҳамма нарса жойида бўлади. Уйда ўтирмаган маъқул. Мулоқотлар чоғи, янги танишлар орасида ўз вазифаларингиз ва истиқболларингизга янгича қарашлар шаклланади.

Тақдир аломатларига, ҳар қандай майда-чуйдаларга эътибор қилинг. Бугун бировлар тушириб қўйган нарсаларни олиб бўлмайди – ўзгалар юкини зиммангизга олган бўласиз. Қандайдир майда йўқотишлар (бирон нарсангизни ўғирлатиб қўйишингиз ҳам) муаммолар юкидан халос бўлишингизга олиб келади. Шунинг учун уларга ачиниб ўтирманг.

Уйингизда бирон гулнинг очилиши ёки сизга гул совға қилишлари ҳам , — яхшиликка. Булар хурсандчилик ва омадингиз келишини билдиради. Соатингиз тўсатдан тўхтаб ёки синиб қолиши ноҳушликлардан огоҳлантириш ҳисобланади.

Оқ, кўк, яшил ва настаринранг либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос бўлади.Қора, кулранг ва жигарранг либосларингизни кейинги кунларга асраб қўйинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Tashkilot tender asosida, ulgurji narhda go'sht konservalarini sotib oladi.



GO'SHT KONSERVASI

Murojaat uchun telefon: 133-52-52, 133-29-12.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Илк бор «Туркистон» саройида 2006 йил 2006 йил 2 апрелгача «ЗОЛУШКА» номли жаҳондаги биринчи итлар театри спектакллари ПРЕМЬЕРАСИ КЎРИШГА ШОШИЛИНГ



Спектакллар: 2006 йил 1, 2 апрелда соат 15.00, 18.00 да; 2006 йил 23, 27, 28, 29, 30, 31 март соат 18.00 да бошланади.

Чипталар «Туркистон» саройи кассалари ва цирк кассаларида сотилмоқда.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Кассалар эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 333-88-99, 131-00-88, 144-32-23.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4147 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6